Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 22 январь •чоршанба • № 14 (4299)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқ матни эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли Сенат аъзолари!

Қадрли дўстлар!

Аввало, сизларни сайловларда ғолиб бўлиб, сенатор деган юксак номга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Олий Мажлис юқори палатасининг аввалги таркибида самарали фаолият олиб борган сенаторларга барчамизнинг номимиздан миннатдорчилик билдираман.

Албатта, олий вакиллик органи аъзоси бўлиш ҳар бир сенатор учун нафақат катта шараф, балки улкан масъулият ҳам эканини барчангиз яхши тушунасиз.

Сенатор – бу аввало халқ ва давлат ишончини қозонган инсон. У чуқур билим, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, тинимсиз меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатиб яшайдиган, халқ манфаатларини доимо биринчи ўринга қўйиб, ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрадиган шахсдир.

Биз сизларнинг тимсолингизда ана шундай етук ва фаол шахсларни тасаввур қиламиз.

Таъкидлаш жоизки, Сенатнинг янги таркиби анча юқори профессионал даражада шаклланди. Буни Сенат аъзоларининг 20 нафарини иқтисодчилар, 19 нафарини муҳандислар, 13 нафарини педагоглар, 7 нафарини ҳуқуқшунослар, 6 нафарини тиббиёт ходимлари, 5 нафарини агрономлар, 4 нафарини журналистлар ҳамда 12 нафарини жамоат ташкилотлари вакиллари ташкил этгани, уларнинг орасида 16 нафар фан доктори, 12 нафар фан номзоди мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, Сенат аъзоларининг салкам 25 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиб, бу эса юқори палатанинг фаолияти янгича ёндашув ва қарашлар асосида ташкил этилишидан далолат беради.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган кейинги уч йил Сенат учун ҳам ўзига хос туб янгиланиш ва ўзгаришлар даври бўлди. Сенат томонидан кўриб чиқилган қонунлар сони қарийб 230 тага етгани ва шундан 190 та қонун сўнгги уч йилда маъқуллангани ушбу йўналишда катта иш қилинганини кўрсатади. Бу борадаги ижобий ўзгаришлар нафақат қонунларнинг сони, балки уларнинг сифати билан ҳам боғлиқ, десак, тўғри бўлади.

Шу ўринда Сенат қўмиталари томонидан муҳим ташаббуслар илгари сурилгани ва улар кўплаб долзарб масалалар ечимига хизмат қилганини таъкидлаш лозим. Мисол учун, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг суғурта бозори самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлари мазкур соҳани такомиллаштиришга оид муҳим қарорларда ўз ифодасини топди.

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳам кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифларни инобатга олиб, муҳим ташаббусни илгари сурди. Ҳозирги вақтда шу асосда тўй ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш бўйича амалий чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда. Энг муҳими, уларни халқимиз қўллаб-қувватламоқда.

Бундан ташқари, Сенатда ички ишлар ва ташқи ишлар вазирларининг ахборотларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Сенатнинг ялпи мажлисларида вилоят ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш тартиби жорий этилгани парламент назорати соҳасидаги катта амалий натижа, дейиш мумкин.

Шунингдек, халқаро муносабатлар соҳасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳамкорлик ифодаси сифатида Сенатда 25 та парламентлараро гуруҳ ва 2 та комиссия фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳурматли сенаторлар!

Юқори палата ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида яқин ва узоқ истиқболда қуйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг самарали тизимини яратишимиз лозим.

Уч йил олдин сенаторлар томонидан, бевосита жойларга чиққан ҳолда, ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш ва маҳаллий кенгашларда муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бироқ, ҳозирча бу биз кутган натижаларни берди, деб айта олмаймиз. Жойларда ҳали жуда кўп муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Масалан, йўл қурилиши соҳасида жами 184 минг километр бўлган автомобиль йўлларининг 70 минг километри ёки 38 фоизи қайта қуришга муҳтож.

2 ▸

Тошкент шаҳрида 21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Унда ҳукумат аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Депутатлар ва сенаторлар қўшма мажлисни ўтказиш бўйича муваққат котибият ва мажлисда электрон тизимдан фойдаланиш устидан назорат гуруҳини сайладилар, кун тартиби тасдиқланди.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш юзасидан устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада муҳим таклифларни илгари суриб, уларни амалга ошириш бўйича янгидан тасдиқланадиган ҳукумат олдида турган асосий вазифалар хусусида тўхталди.

Қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорликни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш, ижроия органлари раҳбарларининг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Бош вазир номзоди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини қўлга киритган сиёсий партия томонидан ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларига сазовор бўлган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловда 53 нафар депутатлик ўрнини эгаллаган эди. Партиянинг яқинда бўлиб ўтган Сиёсий кенгаши мажлисида Бош вазир номзоди кўриб чиқилди ва Президентга тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Арипов номзодини тавсия этди.

Абдулла Арипов қўшма мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури ҳақида нутқ сўзлади.

Мажлисда сўзга чиққанлар Президентимизнинг маърузасида баён этилган устувор йўналишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тавсия этилган номзодни маъқулладилар.

Олий Мажлис палаталари Абдулла Ариповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз ишини якунлади.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. **Арипов** Абдулла Нигматович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.

2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери Н.Исмоилов

Тошкент шаҳри,
2020 йил 21 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. **Арипов** Абдулла Нигматович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.

2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Раиси Т.Нарбаева

Тошкент шаҳри,
2020 йил 21 январь

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулки

1

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмасининг бўлинмаси, бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тегишли касаба уюшмаси ёки унинг бўлинмаси ёхуд уларнинг аризасига кўра иш берувчи томонидан ўзига хизмат кўрсатувчи банкда очиладиган махсус банк ҳисобварағига эга бўлишга, мазкур ҳисобварақда турган пул маблағларини эркин тасарруф этишга ҳақли. Касаба уюшмаси ташкилотининг махсус ҳисобварағидан иш берувчининг мажбуриятлари бўйича ундирувга йўл қўйилмайди.

2

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек юридик шахс бўлган бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўз мулкида биноларга, иншоотларга, турар жойларга ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларга, асбоб-ускуналарга, инвентарларга, пул маблағларига, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағларига, қимматли қоғозларга ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

3

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг иш берувчилар бирлашмаларига (иттифоқларига, уюшмаларига) ва сиёсий партияларга бирор-бир молиявий ёрдам кўрсатиши тақиқланади.

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонун 24-модда.

Келгуси сонларда ўқинг >>>

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМСК ОБЛАСТИДА СОДИР БЎЛГАН ЁНҒИН ЮЗАСИДАН ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ ТУЗИЛДИ

Аввал хабар берилганидек, Россия Федерацияси Томск областида ёнғин натижасида, 2 нафар фуқаро жабрланиб, 10 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари воқеа жойида вафот этган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кўрсатмасига асосан ёнғин сабабларини ўрганиш, жабрланганлар ва ҳалок бўлган фуқароларнинг оила аъзоларига ёрдам кўрсатиш мақсадида Ҳукумат комиссияси тузилиб, унга қатор вазифалар юклатилди.

Жумладан:

ҳалок бўлган фуқаролар ва жабрланганларнинг яқинларига зарур тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш;

жабрланганлар ва ҳалок бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жасадини Ватанга олиб келиш бўйича ташкилий чораларни кўриш;

Россия мутахассислари билан ҳамкорликда ёнғиннинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш;

маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда вафот этган фуқароларнинг шахсига аниқлик киритиш ва уларнинг оила аъзоларига дафн маросимларини ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ахборот хизмати

Ҳар куни, ҳар соатда виждонимиз олдида ҳисобот бериб, ҳалол-пок бўлиб, эл-юрт манфаатини ўйлаб ишласак, мен аминман, халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

2020 ЙИЛ 22 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА
№ 14 (4299)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

1

Одамларнинг энг кўп эътирозига сабаб бўлаётган коммунал хизмат соҳасини оладиган бўлсак, бу борада ҳам бир қатор муаммолар кузатилмоқда. Масалан, мавжуд 633 та қозонхонанинг 25 фоизи ҳамда 4 минг километр иссиқлик тармоғининг 75 фоизи яроқсиз аҳволда.

Энг ачинарлиси, республикамизда марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси атиги 68 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида 60 фоиздан ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Шаҳарсозлик соҳасида мамлакатимизда 1 минг 200 та аҳоли пунктидан фақат 232 таси ёки 19 фоизи бош режасига эга. Соғлиқни сақлаш соҳасида республикамиз бўйича 13 мингта умумий амалиёт врачлари ва тор йўналишдаги мутахассислар етишмайди.

2019-2020 ўқув йилида умумтаълим мактабларида 2 минг 700 дан ортиқ педагог кадрларга эҳтиёж мавжуд бўлса, мактабларнинг жиҳозланиш даражаси 79 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, 3 мингта мактабда ичимлик суви ташиб келтирилади, 261 та мактаб эса сув билан таъминланмаган.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси 8,9 фоизни, аёллар ўртасида 12,5 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 2 минг 400 та меҳнат ярмаркаси ўтказилган. Шунга қарамасдан, иш излаганларнинг жуда кам қисми ишга жойлаштирилган.

Албатта, узоқ вақт давомида халқ билан яқиндан мулоқот қилинмагани, унинг дарду ташвишларини атрофлича ўрганиб, ҳал этиш чоралари кўрилмагани оқибатида мана шундай ижтимоий муаммолар тўпланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Биз бу масалаларнинг ечимини топиш мақсадида муҳим дастурлар қабул қилиб, шу асосда катта ишларни амалга ошираётганимиздан, ўйлайманки, барчангиз хабардорсиз. Бу муаммоларни тўлиқ бартараф этиш учун албатта вақт керак, улкан маблағ ва куч-имкониятлар зарур. Марказда ва жойларда ижро органларининг бутун фаолияти ана шу масалаларга қаратилаётгани ҳам сизларга яхши маълум.

Ўз навбатида, сенаторларимиз ҳам бу борада ташаббус ва ташкилотчиликни ўз қўлларига олиб, аниқ таклифлар киритсалар, айни муддао бўлар эди. Шу боис, Сенатнинг ҳар бир қўмитаси ўз фаолият режасини ҳудудий муаммолардан келиб чиқиб шакллантириши лозим.

Айниқса, Сенатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича тасдиқланган индикаторларга эришилиши устидан мониторинг олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Чунки, юқорида санаб ўтилган барча муаммолар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳангдир.

Шунингдек, ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш зарур. Бу амалиёт аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш имконини беради.

Иккинчидан, ислоҳотларимизнинг бугунги босқичи Ҳукумат, барча вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар олдига кескин талаблар қўймоқда. Бу талаблар қонунларда, Президент фармонлари ва қарорларида, турли давлат ва ҳудудий дастурларда ўз ифодасини топган.

Шунинг учун вазирлик ва идоралар раҳбарлари кўпроқ ҳудудларда бўлиб, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаб олмоқда. Лекин, уларнинг ижросини ким назорат қилади? Албатта, халқ ишончига сазовор бўлган сенаторлар бу борада асосий ташаббускор бўлиб, масъулиятни ўз зиммасига олишлари зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Сенат вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимларнинг мазкур чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисоботини мунтазам муҳокама қилиб бориши лозим. Бу жараёнда ҳисобот шунчаки ҳисобот учун бўлиб қолмаслиги керак. Аксинча, ҳисоботлар муҳокамасидан сўнг муайян соҳа ёки ҳудудда аниқ ўзгаришлар бўлиши зарур.

Ўйлайманки, парламент назорати натижалари асосида фаолияти қониқарсиз, деб топилган раҳбарларнинг лавозимда қолиш ёки қолмаслик масаласи бўйича Сенат томонидан Ҳукумат олдига масала қўядиган ва таъсирчан чоралар кўрадиган вақт келди.

Амалдаги қонунларга асосан Сенат парламент назорати натижалари бўйича ҳатто Ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Президентга таклиф киритиши мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳурматли Сенат аъзоларига мурожаат қилиб айтмоқчиман: аниқ таҳлил ва асослар билан киритилган таклифларни мен кўриб чиқишга тайёрман.

Учинчидан, ёшлар ва таълим масалалари Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак.

Абдулла Авлонийнинг **«Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир»**, деган сўзларини такрор ва такрор айтишдан чарчамайман. Нега деганда, бу фикр бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим.

Ёшларимиз кимнинг авлодлари эканини чуқур англашлари керак. Айни вақтда бугунги ислоҳот ва ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмаётганини билишлари зарур.

Яқинда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда жорий йилда ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш ясаш бўйича улкан мақсадларни белгилаб олдик. Хусусан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун шароит яратиш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, айниқса, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг муаммолари билан мунтазам равишда шуғулланиш, қиз болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, шунингдек, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ижросини Сенат назорат қилиб, мутасадди раҳбарларнинг ёшлар муаммоларини ҳал этиш борасидаги фаолиятига оид ҳисоботларини эшитиб, тегишли чоралар кўриб борса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тўртинчидан, Сенат ҳудудий вакиллик палатаси сифатида Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиши ва унинг ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиши зарур.

Биз 2020 йил учун Давлат бюджетини биринчи марта қонун билан тасдиқлаш амалиётини бошладик. Конституциямизга мувофиқ, бюджетни қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколати ҳисобланади.

Аммо, қонунларда бюджет ижросини фақат Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш тартиблари белгиланган. Ажратилаётган маблағларнинг вазирлик ва идоралар бўйича, айниқса, ҳудудлар кесимидаги ижросини ўрганиш Сенатнинг ҳам асосий вазифаси бўлиши лозим. Шу муносабат билан қонунларга тегишли тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Сизларга яхши маълумки, Қонунчилик палатасида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилган эди. Бу қисқа муддатда ўзининг дастлабки ижобий натижаларини кўрсата бошлади. Юқори палатамизда ҳам ана шундай фаолиятни амалга ошириш мақсадида Сенатда алоҳида тузилма ташкил этишни таклиф қиламан. Ушбу тузилма Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёнлари устидан ҳудудлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда назорат олиб боришда сенаторларнинг асосий кўмакчиси бўлади, деб ишонаман.

Бешинчидан, жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги долзарб масалаларни ҳал этишда парламент сўрови институтидан самарали фойдаланиш зарур.

2010-2014 йилларда Сенат томонидан атиги 3 та парламент сўрови юборилган бўлса, сўнггги беш йилда 26 та парламент сўрови ва 700 дан ортиқ сенатор сўрови юборилган. Келгусида парламент сўрови алоҳида вилоят, туман, шаҳар миқёсидаги долзарб масалаларни ҳам қамраб олса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бироқ, сенатор сўровларининг сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича ҳали олдимизда кўп ишлар турибди.

Афсуски, давлат бошқаруви органлари томонидан сенаторларнинг сўровларига жавоб бермаслик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Таъкидлаб айтмоқчиман, **сенатор сўровига беписандлик – бу халққа бўлган беписандлик, деб баҳоланиши керак.** Бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун сенатор сўровини ҳудудлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш, унинг натижасига оид ахборотни Сенатнинг қўмита мажлислари ва ялпи мажлисларида муҳокама қилиш зарур.

Олтинчидан, Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини, улар фаолиятига амалий ва услубий кўмак кўрсатиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш лозим.

Афсуски, бугунги кунда юқори палатамизнинг бу борадаги фаолияти сустлигича қолмоқда. Энг ачинарлиси, маҳаллий Кенгашлар ҳудудлардаги долзарб масалалар ечимини топишда ўз ваколатларидан деярли фойдаланмаяпти.

Маълумки, сўнгги даврда, айниқса, охирги уч йилда маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, ҳоким, ҳоким ўринбосарлари, прокуратура, адлия, ички ишлар, молия, солиқ ва соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарларининг ҳисобдорлиги белгилаб қўйилди.

Қонунчиликда маҳаллий Кенгашларга бундай кенг ваколатлар берилган бўлса-да, амалда уларнинг натижаси кўринмаяпти. Сенат қўмиталари маҳаллий Кенгашлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўймагани ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Кенгашлар фаолият самарадорлигини оширишда мен, биринчи навбатда, сиз, муҳтарам сенаторларга суянаман. Шунинг учун доимий асосда ишлайдиган сенаторларни маҳаллий Кенгашларга бириктиришни назарда тутадиган янги тизим яратиш лозим. Буни сайловларда кузатувчи бўлиб иштирок этган халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам тавсия этишган.

Аслида сенаторлар ҳудудлар манфаатини ҳимоя қиладилар. Шунинг учун сенаторларимиз ҳар ойда биттадан маҳаллий Кенгашни намунавий ишлайдиган қилиб берсалар, албатта халқимиз улардан рози бўлади.

Шу муносабат билан маҳаллий Кенгашларда сенаторнинг кабинетини ташкил этиш ўринли бўлади. Шу билан бирга, Сенат Раиси, ҳудудларда барча сенаторларни жалб қилган ҳолда, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг тизимли ўқувини ташкил этиш амалиётини жорий этиши лозим.

Сенат Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда, мутлақо янги бўлган тизимни, яъни Сенаторлар мактабини шакллантириши керак. Чунки, **жойларда депутатлар корпуси қанчалик кучли бўлса, маҳаллий Кенгашлар ва албатта Сенат ҳам шунчалик кучли бўлади.**

Ҳурматли сенаторлар, мен сизларнинг ҳар бирингизни кўпни кўрган, халқ ичида катта обрў-эътиборга эга, жойлардаги муаммоларни ва уларни ҳал қилиш йўлларини яхши биладиган одамлар деб биламан. Барчангиз фидокор ва ташаббускор бўлиб, ўз амалий ишларингиз билан сенатор сифатида мамлакатимиз тарихида ном қолдиришингизни истайман.

Энди ижро ҳокимияти ёмон ишламоқда, деб ноғилиб ўтирадиган вақт ўтди. Ижро органи фаолияти устидан ким назорат олиб бориши керак? Аввало, сенаторлар эмасми?

Қуйи кенгашлар қанчалик фаол бўлса, Сенатнинг иши шунча самарали бўлади. Жойлардаги ижро органларини фаол ишлатиш кўп жиҳатдан сенаторларимизга боғлиқ.

Сенаторлар жойлардаги раҳбарлар ҳисоботини эшитиши, мамлакатимиз даражасида ҳал қилинадиган масалаларни Сенат муҳокамасига киритиб бориши керак. Ушбу фаолиятни самарали ташкил этиш ва маҳаллий Кенгашларнинг иш сифатини ошириш мақсадида уларда доимий асосда ишлайдиган котибият ташкил этишни таклиф қиламан.

Шунингдек, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, Кенгашларга вазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг ўз лавозимига лойиқлиги юзасидан таклиф киритиш ваколатини берсак, нима дейсизлар?

Маълумки, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунда Кенгашларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорлари Олий Мажлис томонидан белгиланган тартибда бекор қилиниши назарда тутилган. Бироқ, шу кунга қадар ушбу нормани амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаган.

Сенат ҳудудий вакиллик палатаси эканини инобатга олиб, Кенгашларнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ваколатини юқори палатага бериш тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Еттинчидан, коррупцияга қарши кескин курашиш муҳитини яратишда Сенатнинг ролини кучайтириш зарур.

Бугунги кунда давлат хизматчилари, ҳатто юқори лавозимлардаги масъул шахслар томонидан содир этилаётган коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳам фош этилмоқда. Бу ҳақдаги хабарлар оммавий ахборот воситаларида тез-тез эълон қилинмоқда. Айниқса, муайян ҳудуд тақдири ишониб топширилган айрим мансабдорларнинг порахўрлик ва коррупция жиноятига қўл ураётгани ташвишли ҳолдир.

Жойлардаги раҳбарларнинг қонунга зид фаолияти доимо ҳудудларда фаолият олиб бораётган сенаторларнинг эътибор марказида бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир сенатор коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиши шарт. Сенат аъзолари жамиятда қизғин баҳсларга сабаб бўлган ҳолатлар юзасидан, ялпи мажлисни кутиб ўтирмасдан, тезкор эшитувлар ташкил этиб, мутасадди шахслардан изоҳ талаб қилиши зарур.

Саккизинчидан, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш масаласи Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак.

Сўнгги йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишларни амалга оширдик. Бироқ, бу соҳада олдимизда ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Масалан, ўтган йили мамлакатимиз бўйича жиноят содир этган 47 мингдан ортиқ шахснинг 12 минг нафари ёки 25 фоизини ёшлар ташкил этган.

Бу кўрсаткич Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 39 фоиздан иборат бўлса, Андижон ва Наманган вилоятларида 38 фоиздан ошган. Лекин, минг афсуски, ана шу вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Сенатнинг сайёр мажлислари ўтказилиб, бундай ўта ташвишли ҳолат жиддий муҳокама қилинмаган. Ҳамма четда томошабин бўлиб ўтирибди.

Ўзингиз айтинг, бу аҳволда эртага қандай вазиятга тушиб қоламиз?

Бундай бепарволик ва эътиборсизлик энди тарихда қолиши керак. Янги сенаторларимиз ҳар бир масала бўйича тезкор муносабат билдиришлари ва зарур чора-тадбирлар кўриб боришлари лозим.

Бундан ташқари, безорилик ва фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар сони ортиб бормоқда. Шунинг учун жойларда жиноятчиликка қарши кураш олиб борадиган идоралар фаолияти сенаторларнинг доимий назоратида бўлиши лозим.

Хабарингиз бор, сўнгги 3 йилда ўз қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 4 мингдан ортиқ шахс афв этилиб, ўз яқинлари бағрига қайтарилди. Ўйлайманки, бу инсонлар келгусида ҳаётда ўз ўринларини топишида ҳам сенаторларнинг алоҳида ҳиссаси бўлади.

Агар ўз вақтида зарур чораларни кўриб, афв этилганларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминламасак, афв этиш тўғрисида биз қабул қилган фармонларнинг обрўси, таъсири нима бўлади?

Тўққизинчидан, Сенат давлат идораларининг жамиятда хотин-қизлар ролини оширишга борасидаги фаолияти устидан назоратни кучайтириши лозим.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастури доирасида қатор чора-тадбирлар белгиланган. Барча даражадаги раҳбарларга аёллар, айниқса, ёш қизларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни замонавий касб-ҳунарларга ўргатишни асосий вазифа сифатида белгиладик.

Ана шу вазифалар ижросини ташкил этиш ва назорат қилишда Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси муайян иш олиб бормоқда. Келгусида ҳам мазкур қўмита гендер тенгликни таъминлаш, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашишга оид вазифалар ижросини мунтазам ўрганиб бориши зарур. Бунинг натижаси бўйича масъул идоралар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиб, уларнинг фаолият самарадорлигини оширишга кўмаклашиш лозим.

Албатта, Сенатда бу борада озми-кўпми ишлар қилинмоқда. Лекин, афсуски, маҳаллий Кенгашларда бу масала бўйича эътиборга лойиқ муҳокамалар деярли ўтказилмаган.

Ижро органларида, вазирлик ва идораларда гендер тенгликни таъминлаш, муҳтарама опа-сингилларимизга масъул лавозимларни ишониб топшириш бўйича кўп иш қилишимиз керак. Нега деганда, аёлларимиз ҳаётий муаммоларни бошқалардан кўра чуқурроқ билиши, фидойилиги, кучли масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўлади.

Ўнинчидан, Сенат фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишларни янада кучайтириш зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқори палатамиз жамоатчилик, айниқса, оммавий ахборот воситалари билан узвий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Сенат фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди ва юқори палатанинг махсус веб-портали яратилди.

Сўнгги пайтларда Сенат мажлисларини жонли эфир орқали намойиш қилиш амалиётининг жорий этилиши халқчил парламентни шакллантиришнинг муҳим омили ва халқ олдида ҳисобот беришнинг самарали воситасига айланмоқда. Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни тизимли равишда давом эттириш зарур. Шунингдек, Сенатда бу борадаги ижобий амалиётни маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ҳам жорий этиш яхши натижа беради, деб ўйлайман.

Навбатдаги долзарб вазифа – парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Бу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Икки палатали парламент ташкил этилганидан бошлаб ҳозирги кунга қадар жами 9 та қонун Сенат томонидан рад этилган. Ушбу кўрсаткич 2005 йилдан бугунги кунгача қабул қилинган барча қонунларнинг атиги 1,5 фоизини ташкил этади. Мазкур кўрсаткич аксарият ривожланган давлатларда бундан бир неча бор юқори эканини қайд этмоқчиман.

Биз қонуннинг Сенат томонидан рад этилишига салбий ҳолат деб эмас, аксинча, сифатли қонунларни қабул қилишга қаратилган демократик жараён сифатида баҳо беришимиз лозим.

Яна бир муҳим масала – қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш Сенатнинг конституциявий ваколати ҳисобланади.

Айрим ҳолларда қонунларни амалга ошириш механизми бўлмагани уларнинг тўлиқ ишламаслигига сабаб бўлмоқда. Хусусан, бундай механизм қонуности ҳужжатларида назарда тутилган бўлса-да, уларда ўзаро мувофиқ келмайдиган ҳолатлар мавжуд.

Давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш бевосита Адлия вазирлигининг вазифаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Адлия вазирлигининг бу борадаги фаолияти парламент назоратининг марказида бўлиши лозим.

Маълумки, парламент фаолиятини сифатли ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлаш мақсадида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилган эди. Ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, мазкур институт фаолиятини янада кучайтиришимиз, уни депутат ва сенаторларнинг чинакам кўмакчисига айлантиришимиз лозим. Хусусан, қонун лойиҳаларининг қизғин муҳокамасини ўтказиш ва қабул қилинган қонунларнинг амалиётдаги таъсирчанлигини баҳолаш бўйича институт фаолиятининг самарадорлигини ошириш талаб этилади. Шу боисдан ҳам парламент мазкур институт фаолиятини тубдан такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Яна бир муҳим масала – хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда юқори палатанинг ролини янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, халқаро алоқаларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш Сенатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолади. Сенатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти самарасини кучайтириш мақсадида ҳар йили аниқ бир мавзуга бағишланган халқаро конференциялар, учрашув ва форумлар ўтказиш учун режалар ишлаб чиқиш ва уларни Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда амалга ошириш лозим. Масалан, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқа долзарб масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Сенат хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича ҳар йили дастурлар қабул қилиб, ижросини қатъий назоратга олса, бу яхши амалиёт бўлган бўларди. Шу мақсадда Парламент дипломатияси концепциясини қабул қилишни тезлаштириш керак.

Шу билан бирга, Парламентлараро Иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро ассамблеяси билан ўзаро ҳамкорликни аниқ ва узоқ муддатли иш режалари асосида давом эттириш лозим. Бундан ташқари, Олий Мажлис аъзо бўлиши кутилаётган Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси ва бошқа халқаро парламент тузилмалари доирасида ҳам ҳамкорликни кучайтириш керак.

Бу борада бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчиларини тайинлаш Сенатнинг вазифаси бўлиб, бу жараёнда уларнинг келгуси фаолияти учун белгилаб олган дастурлари эшитилади. Лекин, ундан кейин-чи? Сенат билан элчиларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришга зарурат борми? Албатта, бор. Шу сабабли Сенатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги вазифаларини амалга оширишда юқори палатада Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиётини йўлга қўйишимиз керак.

Ҳурматли сенаторлар!

Энди кун тартибига киритилган ташкилий масалага ўтадиган бўлсак, аввало, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишимиз зарур.

Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ, Сенат Раислигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилиши белгилаб қўйилган. Ана шу нормага асосан, кўпчилик, жумладан, тажрибали сенаторлар билан маслаҳатлашиб, чуқур ўйлаган ҳолда, мен Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига сенатор Танзила Камаловна Нарбаева номзодини тақдим этмоқчиман.

Танзила Камаловна сўнгги 30 йилда турли масъулиятли раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилиб келмоқда. 1995-2010 йилларда Вазирлар Маҳкамасида оналик ва болалик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари билан шуғулланган. 2010-2016 йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, 2016-2019 йилларда Бош вазир ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида самарали меҳнат қилди. Охирги олти ойда Сенат Раиси сифатида катта ишларни амалга оширди.

Танзила Камаловна бошқарув, жамоат ишларида катта тажриба тўплаган малакали раҳбар кадрларимиздан бири, десак, муболаға бўлмайди.

Муҳтарам сенаторлар!

Бугун барчангиз ушбу номзодни тўлиқ қўллаб-қувватлаганингиз ва ўз ҳурматингизни билдирганингиз Танзила Камаловнага катта ишонч ва ғайрат бағишлаши шубҳасиз.

Ҳурматли Танзила Камаловна, Сизга масъулиятли фаолиятингизда янги омадлар ва улкан зафарлар тилайман.

Энди Сенат Раисининг ўринбосарлари лавозимига номзодлар ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бу вазифаларга қуйидаги номзодларни тавсия этмоқчиман.

Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сенатор Содиқ Солиҳович Сафоев номзодини тавсия этаман.

Бу киши салкам 30 йил давомида ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий масалалар соҳасида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Турли йилларда ташқи ишлар вазири, Ўзбекистоннинг Германия ва АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлаган. 2005-2016 йилларда Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси, 2016 йилдан буён эса Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Содиқ Солиҳовични барчангиз моҳир дипломат, халқаро майдонда танилган жамоат арбоби сифатида яхши биласиз. Бу раҳбар ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муносиб адо этишига тилакдошман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сенатор Муса Тажетдинович Ерниязов номзодини тавсия этаман.

Бу олижаноб инсон, оқсоқолимиз ўз фаолиятини қурилиш соҳасидан бошлаб, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари лавозимида хизмат қилган. Қорақалпоқ элининг катта ҳурмат ва эҳтиромини қозониб, 2002 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, бир пайтнинг ўзида Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари сифатида ишлаб келмоқда.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ислоҳотлар жараёнларидаги фидойилиги, ибратли фаолияти учун Муса Тажетдиновичга Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон берилганидан барчангиз хабардорсиз.

Бу кўпни кўрган, тажрибали ва ташаббускор раҳбар, камтарин ва меҳнаткаш инсон билан сенаторлар биргаликда самарали ишлайдилар, деб ишонаман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сенатор Зайниддин Маҳаматович Низамходжаев номзодини тавсия этаман.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони Зайниддин Маҳаматовични бу залда ўтирганларнинг ҳаммаси яхши танийди, деб ўйлайман. Узоқ йиллар давомида халқимизнинг сиҳат-саломатлиги, фан, таълим, маданият ва спорт соҳалари тараққиёти йўлида катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу киши охирги 5 йилда Олий Мажлиснинг тегишли қўмитаси раиси сифатида фаол иш олиб борди.

Зайниддин Маҳаматович янги масъулиятли лавозимда сизлар билан яқин ҳамкорликда муваффақиятли фаолият кўрсатишига ишонаман.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Албатта, ҳозир айтиб ўтилган вазифалар барча сенаторлардан юксак масъулият, ташаббускорлик ва фидойиликни талаб этади. Ушбу вазифаларнинг самарали амалга оширилиши Сенатни келгусида профессионал палатага айлантириш борасида дастлабки муҳим қадам бўлади, деб ишонаман.

Бугун кўп миллатли халқимиз биз, раҳбарлардан, авваламбор, янги сайланган депутат ва сенаторлардан ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этишга қаратилган амалий ишларни кутмоқда. Барчамиз сайловчилар олдида, юртдошларимиз олдида бизга билдирилган юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлишимиз керак.

Ҳар куни, ҳар соатда виждонимиз олдида ҳисобот бериб, ҳалол-пок бўлиб, эл-юрт манфаатини ўйлаб ишласак, мен аминман, халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

Мана шундай эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва омад тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ишчи кучини адолатли баҳолаш – устувор вазифа

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли тизимини яратиш касаба уюшмаларининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу борада ишчи кучининг муносиб баҳоланишига эришиш алоҳида аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади. Касаба уюшмаларининг ташкилот сифатидаги энг муҳим иқтисодий мақсади ҳам ҳар бир ишчи ўз малакаси, меҳнатининг мураккаблиги, суръати ва натижаларига кўра, муносиб ҳақ олиши ҳамда сарфлаган кучининг қайта тикланиши, сақланиши ва рағбатлантирилишини таъминлашга эришишдан иборат.

Ишчи кучи баҳоси аксарият ҳолларда ишчининг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш тушунчаси сифатида қабул қилинади. Аслида эса бу тушунча кенг ва чуқурроқ мазмунга эга бўлиб, у фақат ишчининг меҳнатига ҳақ тўлаш билангина чекланиб қолмайди.

Ишчи кучи ва унинг адолатли баҳоси деганда қуйидаги учта мезонни белгилаш мумкин:

– аввало, ишчи кучи баҳосининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган – меҳнат ҳақи, товарлар ва хизматлар нарх-наволарига мувофиқ бўлиши, яъни ишчининг кун кечириши учун зарур бўлган эҳтиёжларини қоплай оладиган даражада бўлиши керак;

– иккинчидан, ишчи кучининг баҳосига унинг қайта тикланиши ва сақланиши учун сарфланадиган барча харажатлар, яъни ҳаётий фаолияти ва таъминоти, тиббий, маиший, таълим ва малака ошириш, турар-жой шароити, суғурта, моддий, маънавий-маданий ва бошқа эҳтиёжлари учун сарфланадиган харажатлар;

– учинчидан, ишчи кучининг баҳосига ишчи меҳнатини муносиб рағбатлантириш учун сарфланадиган харажатлар ҳам киритилиши керак.

Солиқ Кодексининг 143-, 146-моддаларида белгиланган харажатлар таркибини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **05.02.1999 йилдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган *«Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, етказиш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»***ни таҳлил қиладиган бўлсак, ишчи кучининг баҳосини жамоа шартномалари ва меҳнатга ҳақ тўлашга оид ички меъёрий ҳужжатлар орқали белгиланадиган учта таркибий қисмга (меҳнат ҳақи, рағбатлантириш, қайта тиклаш ва сақлаш) ажратиш мумкин:

а) Маҳсулот таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнат ҳақи тўловлари:

– ҳақиқий бажарилган иш учун корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тизимига мувофиқ тариф ставкалари, ишбай баҳолар ва лавозим окладлари бўйича ҳисобланган иш ҳақи;

– хўжалик юритувчи субъектнинг мукофотлаш тўғрисидаги Низомига асосан тўланадиган рағбатлантириш тўловлари;

– лавозим окладлари ва тариф ставкаларига устамалар (тариф ставкаларини оширувчи тармоқ коэффициентлари, касбий маҳорат ва мураббийлик учун);

– меҳнат шароитлари ва иш режими билан боғлиқ компенсация тарзидаги тўловлар;

– ишламаган вақт учун тўланадиган тўловлар;

– корхона штатида турмаган ва ҳуқуқий-фуқаролик, шу жумладан, пудрат шартномалари бўйича иш бажарган ходимлар меҳнатига тўланадиган тўловлар;

– белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига киритиладиган бошқа турдаги тўловлар.

> ***Агарда, ишчи кучини баҳолаш учун сарфланадиган харажатлар ва тўловларнинг тўланиш ҳамда сарфланиш тартиби, миқдорлари, муддатлари, манбалари ва татбиқ этиладиган ходимлар тоифалари жамоа шартномалари ҳамда ички меъёрий ҳужжатлар орқали белгиланишини инобатга оладиган бўлсак, қайд этилган таҳлилнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга экани яққол намоён бўлади.***

б) Маҳсулот таннархига киритилмайдиган ва хўжалик юритувчи субъектнинг давр харажатларига киритиладиган турли рағбатлантирувчи ҳамда компенсация тарзидаги тўловлар:

– ҳукумат қарорига асосан тўланадиган компенсация тўловлари;

– бир йўла тўланадиган мукофотлар, йил якуни бўйича ва хизмат қилган йиллари учун тўланадиган рағбатлантириш тўловлари;

– мажбурий прогул даври ёки паст ҳақ тўланадиган ишни бажаргани учун қонунчиликка мувофиқ ёки хўжалик юритувчи субъектнинг қарорига биноан тўланадиган тўловлар;

– вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлганда қонунчиликда белгиланган қўшимча тўловлар;

– малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизими бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқитилаётган ходимлар ва мутахассисларнинг ўқиш даври учун асосий иш жойларидаги иш ҳақи;

– қонунчиликка мувофиқ ўн икки ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бўлган аёлларга бериладиган қўшимча таътиллар учун тўланадиган тўловлар;

– ходимларга бепул берилган товарлар, маҳсулотлар ва бошқа бойликлар ёки уларга кўрсатилган хизматлар, ишлар;

– ходимларнинг харажатларини қоплаш учун жамоа шартномасига мувофиқ тўланадиган компенсация тарзидаги тўловлар.

в) Иш ҳақи таркибига киритилмайдиган ва ишчи кучини сақлаш учун сарфланадиган бошқа харажатлар.

Ўз навбатида, таъкидлаб ўтиш лозимки, ишчи кучи баҳосини белгилашда корхонанинг ишлаб-чиқариш ва молиявий – хўжалик фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда шундай мақсадлар учун сарфланган харажатлар ҳамда тўловлар таҳлил қилиниб борилиши зарур.

Агарда, ишчи кучини баҳолаш учун сарфланадиган харажатлар ва тўловларнинг тўланиш ҳамда сарфланиш тартиби, миқдорлари, муддатлари, манбалари ва татбиқ этиладиган ходимлар тоифалари жамоа шартномалари ҳамда ички меъёрий ҳужжатлар орқали белгиланишини инобатга оладиган бўлсак, қайд этилган таҳлилнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга экани яққол намоён бўлади. Шу боис, касаба уюшма қўмитаси етакчилари ва фаоллари жамоа шартномалари, меҳнат муносабатлари доирасидаги бошқа ички локал ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда мазкур масалалар юзасидан иш берувчилар билан музокаралар бошлашдан олдин қайд этилган таҳлиллар жараёнида фаол иштирок этиши ҳамда таҳлиллар натижаларига кўра ўз позицияларида ва таклифларини шакллантиришлари айнан мақсадга мувофиқдир.

Қайд этилган вазифаларни ҳал қилишда касаба уюшма етакчилари ва фаолларидан **қуйидагиларни билиш** талаб этилади:

– меҳнат муносабатларига оид халқаро нормалар, Конвенциялар, миллий қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ҳамда шартларини;

– меҳнат соҳасида асоссолувчи тамойиллар ва ҳуқуқларни, халқаро меҳнат стандартларини;

– корхонанинг мақоми, ҳуқуқлари ва ваколатларини;

– ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ меҳнат ҳақи тўловлари – тариф ставкалари, ишбай баҳолар, разрядлар, тариф коэффициентлари, устама ҳамда қўшимча тўловлар, уларнинг тўланиш манбалари ҳамда тартибларини;

– хўжалик юритувчи субъектнинг давр харажатларига киритиладиган турли рағбатлантирувчи ва компенсация тарзидаги тўловлар, уларнинг тўланиш манбалари ҳамда тартибларини;

– ишчи кучини сақлаш харажатларига киритиладиган тўловлар турларини, уларнинг тўланиш манбалари ва тартибларини;

– меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, фойда, таннарх, рентабеллик ва корхона иқтисодиётига оид бошқа кўрсаткичларнинг мазмун-моҳиятини;

– меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш услублари ва тартибларини;

– жамоа шартномасини тузиш, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби ҳамда принципларини.

Мазкур фикрлар ижтимоий шериклик тизимининг асосий бўғинларидан бўлган ишчи кучини баҳолаш ва иш ҳақини тариф-шартномавий асосда тартибга солиш ва мувофиқлаштириб бориш масалалари бўйича иш берувчилар билан бўладиган музокаралар жараёнида фақат қуруқ таклиф эмас, балки ҳар томонлама асосланган ва музокара предметига айлана оладиган, ҳам корхона тараққиёти ҳам жамоа манфаатига хизмат қиладиган аниқ таклиф киритилишига, унинг ҳимоя ва қабул қилинишига замин яратади. Бошқача айтганда, ана шундай таклиф асосида у ёки бу имтиёзни, мажбуриятни жамоа шартномасига киритишда мажбуриятларни қабул қилиш борасидаги **ихтиёрийлик принципи** мантиқан ва моҳиятан асосланган ҳолда **мажбурийлик аҳамиятини касб этади.** Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя масалаларининг асосий йўналишларидан бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишчи кучини баҳолаш борасида касаба уюшма ташкилотларининг принципиал позицияга эга бўлиши, уларнинг ҳимоя функциялари ҳамда ходимларни унумдор меҳнатга ундовчи омиллар кучайтирилишига хизмат қилади.

Касаба уюшма сиртқи мактаби

Ғафуржон ҲАМИДОВ,
Нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари



Методологик кенгаш кўриб чиқади

«Ishonch» газетасининг ўтган йил 21 декабрдаги сонида чоп этилган «Оҳанг – янги, ёндашув – эски» сарлавҳали мақолага Республика Маънавият ва маърифат маркази қуйидагича муносабат билдирди:

ОҲАНГ – ЯНГИ, ЁНДАШУВ – ЭСКИ

«Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармойиши (2019 йил 8 апрель) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 майдаги «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харита»ни ишлаб чиқиш масалалари тўғрисида»ги 01-07\1-1367-сонли баёнига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов раислигида махсус методологик экспертлар кенгаши тузилиб, унга мамлакатимизнинг 20 нафардан ортиқ масалага дахлдор етук эксперт олимлар жалб қилинган.

Мазкур методологик кенгаш «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси» лойиҳасини ишлаб чиқиб, умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилди.

Муҳокамалар давомида Концепция лойиҳасига доир 300 тадан ортиқ таклифлар келиб тушди. Мазкур таклифларни методологик кенгашдаги эксперт олимлар ўрганиб чиқиб, улардан концепция лойиҳасини такомиллаштиришда фойдаланилади.

Марказ раҳбари ўринбосари А.ЮСУПОВ

Андижон вилояти

Мавзуга қайтиб...

Андижон вилояти ҳокимлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар эътиборига!

«Йўл харитаси» ҳуқуқий ҳужжатга асосан тайёрланадими ёки кўнгил майлига?

ВОҚЕЛИК

Газетамизда бир муддат аввал эълон қилинган «Антиқа ташаббус» сарлавҳали мақола **(«Ishonch», 2019 йил 2 ноябрь, № 133)** ёдингизда бўлса керак. Унда Андижон шаҳри кўчаларига ўрнатилаётган – тунда ёниб турувчи, яъни диод ёритгичли симлар билан қопланган йўл белгиларининг стандарт ва хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги хусусида сўз борганди. Мулоҳазалар асноси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига қуйидаги мазмунда савол йўлланган эди: мамлакат миқёсида йўл белгилари ишлаб чиқаришга масъул ягона ваколатли идора – «Uzavtoyo'lbelgi» давлат унитар корхонаси ўрнига бу фаолият билан маҳаллий тадбиркорларнинг шуғулланиши анчайин шубҳали эмасми?

ИККИ МУНОСАБАТ: БИРИ БОҒДАН, БИРИ ТОҒДАН

Масалага Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан муносабат билдирилди. Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Р.Юнусметов имзоси билан йўлланган жавоб хатида таъкидланишича, 2019 йилнинг апрель ойида «Андижон вилоятининг Андижон шаҳрида «Намунали ҳудуд» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар бўйича йўл харитаси» ишлаб чиқилган ҳамда вилоят ҳокими, прокурори, ички ишлар ҳамда солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланган.

Алоҳида қайд этиладики, «Йўл харитаси»да «Тунги вақтларда пиёдаларга ҳамда ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадида йўлларга ёниб турувчи (диодли) йўл белгиларини ўрнатиш, шунингдек, барча йўл белгиларини тафтишдан ўтказиб, эскирганларини алмаштириш чораларини кўриш» вазифаси белгиланган. «Намунали ҳудуд» лойиҳаси халқ депутатлари Андижон шаҳри кенгашининг тегишли қарорида ҳам кўзда тутилган. Диод ёритгичли йўл белгилари шуларга асосланган ҳолда ўрнатилмоқда. Аммо бу «Uzavtoyo'lbelgi» ДУК маҳсулотлари яроқсиз ёки улардан фойдаланилмайди, дегани эмас.

Жавоб хатида мақолада келтирилган ҳолатлар, жумладан, **электр симларининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан вилоят ЙҲХБга тегишли кўрсатмалар берилгани,** камчиликлар қисқа фурсатларда бартараф этилиши маълум қилинади.

ВАЗИФА ҚАНДАЙ БАЖАРИЛИШИ КЕРАК ЭДИ?

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 11 июлдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида айни соҳага оид вазифалар аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйилган. Қарорда Ички ишлар вазирлиги ва Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг «Uzavtoyo'lbelgi» давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган. Унга кўра, **йўл белгилари, ахборот кўрсатгичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқариш фақат «Uzavtoyo'lbelgi» ДУК томонидан амалга оширилади.** Йўл белгиларини хатловдан ўтказиш ҳамда босқичма-босқич **замонавий юқори интенсив (нур қайтарувчи) қопламали йўл белгиларига** (илло, Андижон шаҳридаги каби диод ёритгичли эмас) алмаштириш вазифаси қайд этилади.

Шундан келиб чиқилса, Андижон шаҳри кўчаларига «Uzavtoyo'lbelgi» давлат унитар корхонасида эмас, балки тадбиркорлар томонидан тайёрланган йўл белгилари ўрнатилаётганини кўриб турган Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси нега энди «Ҳой, тўхтанглар-чи, бу ҳаракат Президент қарорига зид экан-ку!» дея эътироз билдирмаяпти? Қайтанга, бош бошқарманинг аввалги мақолада тилга олинган масалага муносабатида вазиятни хаспўшлашга уриниш сезилиб турибди.

Яна бир қизиқ жиҳат: модомики, «Намунали ҳудуд» лойиҳаси юзасидан ишлаб чиқилган «йўл харитаси»ни, юқорида зикр этилганидек, барча сектор раҳбарлари қатори вилоят прокурори ҳам тасдиқлаган бўлса, унинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нечоғли мос келишига нега эътибор қаратилмаган?

ҚАЙ БИРИ ФОЙДАЛИ?

Эътибор беринг, «Uzavtoyo'lbelgi» ДУК ишлаб чиқарган ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятлар йўлларига ўрнатилаётган нур қайтаргич қопламали замонавий йўл белгилари тунда ҳам 200-300 метр масофадан аниқ-тиниқ кўриниб туради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, маҳсулотга ўн йилга кафолат бор. Нархи катта-кичиклигига қараб, бироз фарқланади – ўрта ҳисобда 330 минг сўм. Ҳар бир белги – унга тиргак бўлувчи устунлар, ўрнатиш харажатлари билан тахминан 500-600 минг сўмга тушади.

Хўш, «Milano gold ekspress» хусусий корхонаси Андижон шаҳрида ўрнатаётган йўл белгилари-чи? Уларнинг сифати, нарх-навоси қандай?

Боз айтдик, мазкур белгилар диод ёритгичли симлар билан қоплангани эвазига тунда **нур қайтариш хусусиятига эга эмас.** Гарчи вилоят доирасидаги йиғинларнинг бирида айни масалада сўз очилиб, тадбиркорнинг маҳсулотларини «Айниқса, туман тушган пайтда диод чироқлари ҳайдовчининг йўлда адашмаслигига ёрдам беради», дея янгиликни «илмий жиҳатдан асослашга» уринишлар қулоққа чалинган бўлса-да, «Ёритгичлари қуйиб қолса, нима бўлади?» деган саволга ҳозирча жавоб йўқ. Ҳолбуки, ўрнатилганига ҳали тўрт ой бўлмасданоқ тахминан ҳар ўнта белгидан биттасининг диод ёритгичлари ишдан чиқишга улгурди. Бундай вазиятда эса тунда ҳаракатланаётган ҳайдовчининг белгини узоқдан илғай олмаслик эҳтимоли юқорилигича қолаверади.

Шунга қарамай, мазкур белгилар маҳаллий бюджетга ўрнатиш харажатлари билан тахминан 1 миллион 500 минг сўмга тушяпти. Яъни, ўн йил кафолатга эга бўлган белгиларга нисбатан икки ярим баробар қиммат. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, айни кунгача Андижон шаҳрининг марказий кўчаларига хусусий корхона томонидан 500 дан зиёд йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари ўрнатилган. Жараён давом этмоқда...

Энди бир ўйлаб кўрайлик, ўн йил кафолатга эга, баҳоси икки ярим баравар арзон йўл белгилари турганда, шаҳар кўчаларини ҳали синовдан ўтмаган янгилик билан оммавий равишда «безаш»дан ким манфаатдор? Дейлик, хусусий корхонанинг маҳсулотлари «Uzavtoyo'lbelgi» ДУКникидан ўртача 700-900 минг сўм қимматга тушяпти. 100 та белги учун сарфланган маблағ неча сўм бўлади? 500 таси-чи? Бу хатти-ҳаракат маҳаллий бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишига олиб келмаяптими?

САВОЛ ҲАМОН ЖАВОБСИЗ...

Модомики Президент қарори билан йўл белгилари ишлаб чиқариш ваколати фақат «Uzavtoyo'lbelgi» давлат унитар корхонасига берилган экан, бу фаолият билан маҳаллий тадбиркорнинг шуғулланаётганини қандай тушунмоқ керак? Айни масалада Бош прокуратура нима дейди? «Uzavtoyo'lbelgi»нинг таъсисчиси ҳисобланмиш Автомобиль йўллари давлат қўмитаси-чи?

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch»

Қадрият

Норбек АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ бахшиси:

«Бахши сўзи пайдо бўлганида дунёда тўрттагина тил бўлган»

Халқ оғзаки ижоди – инсониятнинг бебаҳо маънавий хазинаси. Унда миллат тафаккури, орзу-умидлари, армони, тарихи, урф-одатлари мужассамлашган. Шукурки, кам сонли халқларга насиб қилган бундай бебаҳо маънавий мероснинг ҳозир ҳам муносиб давомчилари бор. Улардан бири Ўзбекистон халқ бахшиси Норбек АБДУЛЛАЕВдир. У билан суҳбатимиз бахшичилик санъати, унинг аҳамияти ва истиқболлари хусусида бўлди.

– Бахши деганда одатда кўпчилик халқ оғзаки ижоди намуналарини оғзаки куйловчи инсонни кўз олдига келтиради. Сизнингча, достон куйлаганнинг ҳаммаси бахши номига муносибми?

– Бахшилик – бу тақдир инояти. Бир қозоқ ҳамкасбим «Бахши халқнинг тирик маънавияти» деганида ана шу жиҳатга эътибор қаратган бўлса, ажаб эмас. Иморат бузилса, қайта қуриш мумкин. Аммо маънавиятидан айрилса, ҳар қандай халқнинг келажаги хавф остида қолади. Дунёнинг илк бахшиларидан бири бўлган Хомернинг «Илиада» ва «Одиссея»си замонлар оша дунё халқларига маънавият улашиб келмоқда. Отам машҳур Бола бахши, «Бахши сўзи пайдо бўлганида дунёда тўрттагина тил бўлган» дер эди. Демак, дунё ҳар доим бахшиларга эҳтиёж сезган. «Бахшили эл – яхшили эл» мақоли бежиз айтилмаган. Бахшилар азалдан инсоният орасида маънавият, маърифат, илм тарқатиб келган. Урф-одатлар, анъаналар шаклланишига ҳисса қўшган. Тарихни ўрганиш, уни илмий асосда таҳлил қилишда бахшиларнинг ижоди асосий манба ҳисобланади. Бахши сўзи раҳбар, ўргатувчи, устоз деган маъноларни ҳам англатади. Демак, шу қобилиятларнинг ҳаммасини ўзида жамлаган инсон бахши бўлади.

– Бахшилар ҳақида гап кетганда Бола бахши номи, албатта, тилга олинади. Отангиз ҳақидаги хотиралар халқимиз учун ғоят қадрли. Шу боис, у киши ҳақида сўзлаб берсангиз?

– Отам тақдири бахшилик илоҳий эканининг ёрқин тимсолидир. Йўқса, оёқланг юрган болакай олти ёшида қамишни дутор қилиб, шеър айтиб, қўшиқ куйлармиди? Ўн ёшга етиб-етмай Ферузхоннинг назарига тушармиди? Отамнинг асл исми Қурбонназар бўлиб, Бола бахши номини отамга айнан Хива хони Феруз берган. Бола бахшини, ҳатто, Исфандиёрхон ва Жунаидхон ҳам ҳурмат қилган. Исфандиёрхон отамни ўз тахтига ўтиргизиб қўйиб, «Ўзингни хон деб тасаввур қил» деган пайтлари ҳам бўлган экан. «Етти хонликни, уч тузумни кўрганман, икки юз йиллик тарихини мендан сўранглар» дерди отам. Бир достонни уч кеча-кундуз куйларди. Овозида сеҳр бор эди. Ўз ижоди билан одамларни яхшиликка бошларди. XIX-XX асрларда Хоразмда тўйлар бахшилар иштирокисиз ўтмаган. Тўйга Бола бахши келади, дейилса, вилоятнинг ҳамма жойидан одамлар йиғилган. «Авазхон», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Гўрўғли», «Бозиртон», «Хирмондали», «Ошиқ Маҳмуд» каби 40 тага яқин достонни ёд билган, 200 хил куйни маромига етказиб чалган. Кўплаб халқаро фестивалларда ўзбек бахшичилик санъатини намойиш қилган, шогирдлар етиштирган. Отам ҳақида Америка ва Германияда китоблар чиққан. Эсимни таниганимдан бери отамнинг ўзини, эндиликда эса унинг меросини излаб, етти иқлимдан одамлар келади. Бу жуда яхши, албатта. Лекин озгина гинахонлик ҳам қилиб қўйсам, бугун Бола бахши номида на бир мактаб, на бир кўча бор... Бунга ким эътибор қаратиши керак? Бу энди мутасаддилар ихтиёрига ҳавола.

– Шу даражага етишишингизга яна нималар сабабчи бўлган?

– Отам «хонанда бўл, созанда бўл, бахши бўлиш осонмас» деб кўп айтарди. Гарчи мени бахшилар кўтариб катта қилишган, олти-етти ёшимдан достонларни ёд ола бошлаган бўлсам-да, кўп заҳмат чекишимга тўғри келган. Болалигимда Отахон Матёқубовга, ўсмир чоғимда Комилжон Отаниёзовга шогирд тушганман. Отамнинг таълимини олган Комилжон устозга меҳрим жуда баланд бўлган. Бирга гастролларда хизмат қилганмиз. У кишининг жўмардлиги, ширали овози, фидойилиги, ватанпарварлигига доим тан берардим. Комилжон устознинг қон босими баланд бўлиб, доимий равишда муолажа олар эди. Шунга қарамай, соатлаб жонли ижрода куйларди, одамларга маърифат, илм улашарди. Топган даромадини ҳам эл билан бўлишарди.

Бахши бўлиш иштиёқида тарихни, жаҳон адабиётини ўргандим. Тасаввуф илмидан, Яссавий хазинасидан баҳра олдим. Машраб каби ишқ ўтида ёндим. Узлатга чекиндим. Отамнинг, «Халқ дарди билан яшамаганингча бахши бўлолмайсан», деган сўзларининг маъносини англаб етдим. «Осудалик менга ёт, ўтда ёнар юрагим» сатрлари ҳаётим мазмунига айланганидан кейин бахши сифатида куйлай бошладим.

«Достон» фольклор-этнографик халқ ансамблини ташкил қилдим. Бу ансамбль ҳозир ҳам халқ оғзаки ижодини кенг тарғиб қилиб келмоқда. Ансамбль доврўғи дунёга таралган. «Ичан-қалъа» музей-қўриқхонасининг «Хоразм санъати тарихи» музейида сайёҳларга маданий хизматни йўлга қўйдик. Япония, Туркия, Германия, Озарбайжонда ўзбек санъатини намойиш қилиш бахтига эришдим.

Ҳар доим ижод завқи билан яшайман. Кўплаб рубоийларим бор. Оғзаки ижод этаман. Бахшилик улкан қувваи ҳофизани талаб қилади.

– Бугун санъатнинг турлари кўп. Тарбия воситалари ҳам. Балки бахшиларга эҳтиёж йўқдир?

– Бахшилик касб эмас, балки қисмат. Агар қайта туғилсам, яна бахши бўлар эдим. **«Фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик қўшиғидир... Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди»,** деган эди Президентимиз Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимда. Бугунги глобаллашув жараёнида халқимизнинг бахшиларга эҳтиёжи ниҳоятда катта. Халқаро фестивалда устозим, Ўзбекистон халқ бахшиси Отахон Матёқубов билан Хоразм достонларидан парчалар ижро қилдик. Устозим ҳозир 94 ёшда. Одамлар тик туриб эшитишди. Шу фестиваль бахшилар элга кераклигини исботлади. Президентимизнинг бахшичилик санъатини янада ривожлантиришга доир қарори бизга катта куч берди.

> *«Фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик қўшиғидир... Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди», деган эди Президентимиз Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимда.*

Яна бир нарса борки, ҳамма масъулиятни давлатнинг зиммасига юклайвермаслик керак. Бир йили хориждан келган меҳмон улуғ аждодимизнинг хароб бўлиб ётган қабри қаршисида айтган сўзлар танамга солган оғриқдан ҳозир ҳам юрагим зирқирайди: **«Хўп, давлат эътибор қаратмабди, нима сизларда халқ ҳам йўқми?».** Қачонки, боқий меросимизни асрасак, улуғларимизнинг илм-маърифат дарёларидан қониб сув ичсак, бу дарёларнинг ўзанларини кенгайтирсак, улуғ миллат сифатида дунёда донг тарата оламиз.

Ибройим Юсуповнинг ушбу сатрларини қалбимга жойлаганман:

Кимларга хуш ёқар, кимга ёқмассан,
Беклигингни бузма, инжилма ҳаргиз.
Балки энг охирги бахши чиқарсан,
Балки биз охирги тингловчилармиз.

Маърифатни биров кашф қилмаган. Аллоҳ қалбимизга жойлаган. Бироқ баъзи-баъзида нафс қулига айланганимиз оқибатида маърифат занглайди. Уни бахшиларгина асл ҳолатга қайтара олади.

– Назаримда, ўзбек мусиқа санъатининг ислоҳотларга эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бу борада қандай фикрдасиз?

– Санъат ҳамма замонларда эътибор марказида бўлган. Санъаткорлар уч тоифага бўлинади. Биринчи тоифага – Аллоҳ иқтидор берган. Иккинчи тоифа – ўз меҳнати билан эришган инсонлар. Улар устозларга эргашиб, ўз устида ишлаб, билим орқали санъаткор бўлишган. Учинчи тоифа – чора изловчи бечоралар. Афсуски, охирги тоифадагилар кўпайиб кетяпти. Уларнинг айтганларида на маъно, на мантиқ бор. Улар бировнинг бозорига даллоллик қилаётган кимсалардир.

Бутун дунё санъатимизга тан беради. Аммо айрим «санъаткорлар» ўз йўлимиз қолиб, ўзга йўлларни излай бошлашди. Санъатга маддоҳликни олиб киришди. Телевидениеда ҳам шулар чиқади, концертларда ҳам шулар... Булар тарбияловчилар эмас, тарбия бузувчилар.

– Бахши тарбияловчи дедингиз. Бугун ёшлар тарбиясида нималарга эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблайсиз?

– Бугунги кундаги энг долзарб масала ёшларнинг миллий қадриятларга муносабатини ўзгартиришдир. Ҳозирги ёшлар жуда кучли, билимли. Улардан ўрганадиган давр келди. Ҳамма гап ўргатувчиларда. Ўргатувчилар ўрганишни билмас экан, ёшларга тўғри таълим ҳам, тарбия ҳам беролмаймиз. Катталарнинг эътиборсизлиги, илмсизлиги, эътиқодсизлиги оқибатида ёшлар қадриятларимиздан узоқлашди.

Ҳозир Ёшлар иттифоқи билан биргаликда «Жаҳолатга қарши ғоя» лойиҳаси устида ишлаяпмиз. Инсон ўзлигини англамагунча, ўз тарихини билмагунча, Ватанни севмагунча, етук инсон бўлолмайди. Ёшларнинг тил бойлигини оширишимиз, ўзбек тилига меҳрини кучайтиришимиз, ватанпарварликка даъват қилишимиз керак. Бугунги адолат замони берган имкониятлардан тўла фойдаланишимиз шарт. Шуларни англасак ва ёшларга англатсак, ўйлайманки, улар мамлакатимизнинг, маънавиятимизнинг ҳақиқий меросхўрлари бўлиб шаклланади.

Суҳбатдош:
Муҳаббат ТЎРАБОЕВА

Наманган вилояти

Бугун барча ҳудудлардаги каби Наманган вилоятида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари авжида. Биргина Наманган шаҳрининг ўзида кўплаб замонавий турар-жой бинолари қад ростламоқда. Бунда ёзнинг иссиғига ҳам, қишнинг совуғига ҳам парво қилмай ишлаётган қурувчиларнинг меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ. Айни кунларда уларнинг иш жараёни ва шароити билан яқиндан танишиш мақсадида бир қанча қурилиш ташкилотларида бўлдик.

Оғриқ тишлар

ҚИШИН-ЁЗИН БИР ХИЛ КИЙИМДА...

Ёхуд қурувчилар меҳнати муҳофазасига ким масъул?

Наманган шаҳрининг Навоий номли кўчасида айни пайтда «Сувчи қурилиш монтаж» МЧЖ бунёдкорлари саккиз қаватли турар-жой биносини қурмоқда. Ҳозирда 70 нафар ходими бўлган ушбу ташкилотнинг 30 нафардан зиёд ишчиси ёлланма тарзда, ҳеч қандай меҳнат шартномасисиз кунлик маош олиб ишлаётганлар «сафида» эканидан ҳам англашиладики, уларга яратилган «шароитлар» кўнгилдагидек эмас.

Ҳақиқатан ҳам баланд қаватларда ишлаётганларнинг бошида химоя қалпоғи, ҳеч бир ишчининг устида махсус кийим бошни кўрмадик. Бу ҳақда ташкилот иш юритувчиси Содиқжон Олимовдан сўраганимизда «ҳаммасига каскалар берилган», деган икки оғиз иддаони эшитдик, холос.

Яқинда ёлланма ишчи сифатида иш бошлаган 26 ёшли Толибжон Султоновнинг бошида ҳимоя каскаси йўқ, совуқ кунда юпун кийимда эди. У ўз ҳаётини хавф остига қўйиб ишлаётганидан ҳам ташкилот раҳбарининг қўл остидаги ишчиларига беписанд муносабатда эканини англаш қийин эмас.

Шундай ҳолатни «Муҳаммаджон савдо келажак» МЧЖ қурувчиларининг иш жараёнида ҳам кузатдик. Ҳозирда 9 қаватли турар-жой биноси қурилишида жонбозлик кўрсатаётганларнинг аксарияти юқори қаватларда ишламоқда. Аммо уларда ҳам махсус кийим-бош у ёқда турсин, ҳатто, ҳимоя қалпоғи ҳам йўқ. Бу ерда ҳам ҳеч бир ҳолат меҳнат хавфсизлиги йўриқномаларига жавоб бермайди.

«Мукаммал қурилиш сервис» МЧЖ ташкилоти қурувчилари ҳам айни пайтда шаҳримизнинг «Тахтакўприк» кўчасида кўп қаватли турар-жой биносини барпо этмоқда. Уларнинг иш жараёнини кузатиб, ишчилар билан суҳбатлашганимизда, учқўрғонлик 38 ёшли ишчи Шерали Нозимов қуйидагича фикр билдирди:

– Яқиндагина ишга кирдим. Раҳбарларимиздан махсус кийим-бош сўраганимизда беришмаган. Фақат қўлқопимиз бор. Кези келганда кунига неча соат ишлашимизни ҳам билмай қоламиз. Айниқса, қиш кунлари совуқда баланд қаватларда ишлаш осон эмас. Бошлиқлардан ортиқча нарса талаб қилсак, ишсиз қолишдан қўрқамиз.

Эндигина 20 ёшга кирган Муҳриддин Миркомилов ҳам ёлланма ишчи бўлиб ишлар экан. Унинг ҳам устида махсус ишчи кийими йўқ. Баланд қаватга чиқиб кетар экан, ҳеч бўлмаса, бошида ҳимоя қалпоғи бўлиши шартлигини тушунтирдик.

– Бу қурилиш ташкилотларининг ҳеч бири касаба уюшмасига аъзо бўлишмаган. Шу сабабли ишчиларнинг шароити мана шундай «қаровсиз» ҳолатда, – дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилояти ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Феруза Эрматова. – Айрим қурилиш ташкилотлари раҳбарлари касаба уюшмасига аъзоликни ортиқча бош оғриғи деб билишади. Шунинг учун қурилишда кўплаб бахтсиз ҳодисалар мана шундай аъзо бўлмаган ташкилотларда кузатилади. Ишчилар манфаатини кўзлаб, имкон қадар ҳар бир ташкилотга кириб, меҳнат муҳофазаси, аъзолик афзалликлари ҳақида тушунтиришлар беряпмиз. Аммо...

Шу ўринда яна бир қурилиш ташкилоти – «Истиқлол жавоҳир» хусусий корхонаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг 30 нафар ишчиси бўлиб, мавсумий ишлар чоғида четдан ёлланма ишчиларни ҳам жалб қилар экан. Ҳозирда ушбу ташкилот қурувчилари Ҳамроҳ кўчасида 7 қаватли бинони кўтаришмоқда. Ташкилот иш юритувчиси Ҳамидхон Домлажонов билан ишчиларнинг шароити ҳақида гаплашганимизда, «ҳаммасига меҳнат хавфсизлиги ҳақида тушунтириш берганини» айтди. Аммо ёнгинамизда арматурани махсус кескич билан кесаётганда атрофга чўғ сачраб кетаётган ишчининг юз-кўзини ҳимояловчи ниқоби ҳам йўқлигини кўриб, ташкилотнинг меҳнат хавфсизлиги фақат қоғозда эканини осонгина англадик. Сўраб-суриштирганимизда Алишер исмли 20 ёшли бу йигит ҳам яқинда ёлланма ишчи бўлиб, оғзаки шартнома асосида ишга киргани маълум бўлди.

Кунига бажараётган ишига қараб, 50-60 минг сўм ҳақ олаётган, иш соатини ҳам аниқ билмайдиган кўплаб ёлланма ишчиларнинг уст-боши ниҳоятда юпунлигини кўриб, қишда ҳам ёзда ҳам бир хил кийимли бу қурувчиларнинг бошлиқларини саволга тутмоқчи бўлганимизда, афсуски, уларни топишнинг имкони бўлмади. Бундан биргина муддаомиз бор эди. У ҳам бўлса, меҳнат қонунчилигига кўра, қурилиш, қурилиш монтаж ва таъмирлаш корхоналарида ишловчи ҳар бир ходим махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа зарур ҳимоя воситалари билан бепул таъминланиши зарурлигини уларга яна бир бор эслатиб қўймоқчи эдик, холос.

Орзугул РУСТАМОВА,
«Ishonch»

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Тошкент фармацевтика институти ректори **Иброҳим ОЛИМЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси **Жамила БЕГИМҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Эълон

Янгийўл шаҳридаги 10-мактаб томонидан 2005 йилда Исакова Кристина Вадимовнага 9-синфни битирганлиги тўғрисида берилган UN№1578631 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари- «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб - «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-25
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С.Абдураҳмонов
Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
З. Холмуҳаммедова,
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **01:20**
Топширилди – **02:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 117.**
30688 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130